



Жахон тарихига охирги мингйилликда дунёни яхши томонга ўзгартирган жуда кўплаб аёллар кирган. Хар бир соҳанинг – илм-фан, бошқарув, харбий харакатлардан тортиб, тасвирий санъатгача ўз қахрамонлари бўлган. Ва барча соҳанинг биринчиси, пешкадами бўлган гўзал жинс вакиллари бор. Бу мақолада гап Индонезия тарихидаги буюк муслимавлардан бири хакида боради.

XVI асрнинг охири – XVII асрнинг бошлари Ачех султонлиги (замонавий Индонезиянинг Ачех вилояти ҳудуди) учун осон даврлар бўлмаган.

Малахияти номи билан ҳам маълум бўлган Кюмалахияти дунёнинг биринчи аёл – адмирал бўлган. Унинг ҳаёти ва ютуқлари инсонни ҳайратда қолдиради. Унинг харакатлари мардонавор, виждонли, муваффақиятли ва шунчаки ақл бовар қилмас ҳолатда бўлган. У барча учун намуна ва руҳлантирувчидир.

Малахиятининг отаси Маҳмуд Сиях ҳам харбий бўлган ва султон флотини бошқарган, унинг отаси, Малахиятнинг бобоси Салоҳиддин Сиях эса 1530 – 1539 йилларда султонликка ҳукмронлик қилган.

Дастлаб Малахияти диний мактабда таълим олади, кейин эса Байтул Макдиснинг Маъҳадига ўқишга қиради. У ерда у харбий иш бўйича таҳсил олади ва денгиз зобити тайёрлаш бўйича тўлиқ курсдан ўтади. Айнан ўша ерда у ўзининг бўлажак турмуш ўртоғи билан танишади. Маъҳадни муваффақият билан тамомлагач, у султон саройи амалдорлари бўлимига раҳбар этиб тайинланади.

Ёш Малахиятига узун, бахтли оилавий ҳаётни яшаш насиб қилмайди. Турмуш қурганидан салгина вақт ўтмай у бева бўлиб қолади, шундан сўнг Малахияти ҳалок бўлган аскарлар

ва денгизчиларнинг бевалари хизмат киладиган кемалар флотилиясини ташкил этишга изн сўраб султонга мурожаат этади. Султон “Инонг Бале” деб номланган флотилия ташкил этишга рухсат беради, бу таржима килинганда “Бевалар флотилияси” маъносини англатади. Унда хаммаси бўлиб 2000 та аёл хизмат килган. Суматра оролининг шаркий киргоклари, Малак бўғози ва Малаяннинг гарбий кисми аёллар флотилияси назорати остида бўлган.

Индонезиянинг кўплаб университет, касалхона, кўчалар ва аҳоли пунктлари унинг шарафига номланган. Ушбу шижоатли муслиманинг жасорати хакида кўплаб хужжатли фильмлар суратга олинган.

Абу Муслим тайёрлади